

ҲАРБИЙ ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИДА ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ УСТИДАН НАЗОРАТНИ АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ТАЪМИНЛАШ

Исроилов Қахрамон Анварович

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш

академияси магистранти

E-mail: Isroilov2025@gmail.com

Аннотация. *Мазкур мақолада ҳарбий тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини ахборот-таҳлилий таъминлашнинг назарий асослари ва амалий механизмлари комплекс таҳлил қилинган. Хусусан, прокурор назоратида мониторинг тизимининг ўрни, хавфни таҳлил қилишга асосланган ёндашув, муқобил ахборот манбаларидан фойдаланиш усуллари ҳамда текширишга тайёргарлик босқичида амалга ошириладиган ахборот-таҳлилий ишлар ёритилган. Мақолада Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ҳарбий госпиталлар ва ҳарбий қисмлардан олинadиган статистик маълумотларни ўзаро солиштириш (cross-checking) орқали қонунбузарликларни аниқлаш имкониятлари кўрсатиб берилган. Шунингдек, молиявий ва моддий таъминот мониторинги, бюджет маблағларининг сарфланиши устидан назорат ҳамда прокурор текширувларида қўлланиладиган клиник стандартлар, санитария қоидалари ва фармацевтик регламентларнинг аҳамияти очиб берилган. Мақола ҳарбий тиббиёт соҳасида қонунийликни таъминлашда ахборот-таҳлилий ёндашувнинг аҳамиятини асослаб беради.*

Калит сўзлар. *прокурор назорати, ҳарбий тиббий хизмат, ахборот-таҳлилий таъминлаш, мониторинг, хавфни таҳлил қилиш, клиник стандартлар, санитария қоидалари, фармацевтик фаолият.*

Аннотация. *В статье проведён комплексный анализ теоретических и практических аспектов информационно-аналитического обеспечения прокурорского надзора за исполнением законов в сфере военного медицинского обслуживания. Раскрыта роль мониторинга, основанного на анализе рисков, а также значение использования альтернативных источников информации в условиях закрытости и жёсткой иерархии системы Министерства обороны. Особое внимание уделено этапу подготовки к проверке, межведомственному сопоставлению статистических данных (cross-checking), мониторингу финансового и материального обеспечения, а также анализу использования бюджетных средств. В работе обоснована значимость клинических стандартов, санитарных норм и фармацевтических регламентов как ключевых критериев оценки законности в деятельности военных медицинских учреждений. Сделан вывод о необходимости совершенствования*

информационно-аналитических механизмов прокурорского надзора в военной медицинской сфере.

Ключевые слова. *прокурорский надзор, военная медицинская служба, информационно-аналитическое обеспечение, мониторинг, анализ рисков, клинические стандарты, санитарные нормы, фармацевтическая деятельность.*

Abstract. *This article provides a comprehensive analysis of the theoretical and practical aspects of information and analytical support for prosecutorial supervision over the execution of laws in the field of military medical services. The study highlights the role of risk-based monitoring and the use of alternative information sources in the context of the closed and strictly hierarchical structure of the Ministry of Defense system. Particular attention is paid to the pre-inspection analytical stage, interagency cross-checking of statistical data, monitoring of financial and material resources, and oversight of budget expenditures. The article also emphasizes the importance of clinical standards, sanitary regulations, and pharmaceutical compliance as key benchmarks for assessing legality in military medical institutions. The findings substantiate the necessity of enhancing information and analytical mechanisms to ensure legality and effectiveness of prosecutorial supervision in the military medical sector.*

Keywords. *prosecutorial supervision, military medical service, information and analytical support, monitoring, risk analysis, clinical standards, sanitary regulations, pharmaceutical compliance.*

Мудофаа вазирлиги тизимида ҳарбий тиббий хизмат кўрсатиш соҳасига оид қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этиш – бу шунчаки текшириш ўтказиш эмас, балки ахборотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва қонунийлик ҳолатини баҳолашнинг мураккаб, кўп босқичли жараёни ҳам ҳисобланади. Ушбу жараённинг самарадорлиги “хавфни таҳлил қилиш” тизимига асосланган мониторинг механизмининг қанчалик тўғри йўлга қўйилганлиги ва назорат мезонлари бўлган стандартларнинг аниқ белгилаб олинганлиги билан ўлчанади.

Прокурор назорати назариясида мониторинг – қонун бузилиши эҳтимоли юқори бўлган соҳалар ва объектларни аниқлаш мақсадида ўтказиладиган доимий кузатувдир. Мудофаа вазирлиги тизимининг ёпиқлиги ва иерархик бўйсунув тизимининг қатъийлиги сабабли, кўпинча қуйи бўғинлардаги қонунбузарликлар (касаликларни яшириш, сифатсиз озиқ-овқат, дориларни талон-торож қилиш) юқори қўмондонликка етиб бормади. Шу боис, прокурор назоратидаги мониторинг муқобил ахборот манбаларига таяниши шарт.

Мониторинг жараёни қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

1. Текширишга тайёргарлик кўриш босқичида ахборот-таҳлил (Pre-inspection analysis). Текшириш самарали бўлиши учун прокурор объектга

боришдан олдин турли идоралардан статистик ва таҳлилий маълумотларни талаб қилиб олади ва уларни ўзаро солиштиради (Cross-checking methodology).

Бунда қуйидаги маълумотлар базаси шакллантирилади:

А) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (ССВ) тизимидан олинган маълумотлар:

– тан жароҳати билан мурожаат қилган ҳарбийлар ҳақида маълумот: прокурор ҳудудий фуқаровий шифохоналардан тан жароҳати олиб мурожаат қилган ҳарбий хизматчилар рўйхатини олади. Таҳлилнинг мақсади: Агар ҳарбий хизматчи ҳарбий госпиталга эмас, фуқаровий шифохонага мурожаат қилган бўлса, бу ҳарбий қисмда низомга зид муносабатлар оқибатида олинган жароҳатни яширишга уриниш бўлиши мумкин.

– амбулатор даволаниш ҳақида маълумот: яшаш жойи бўйича поликлиникаларда даволанаётган ҳарбий хизматчилар ҳақида маълумот. Бу ҳарбий қисм ичидаги тиббий хизмат сифати пастлигидан далолат беради.

Б) Ҳарбий госпиталлардан олинган таҳлилий маълумотлар:

– Травматизм динамикаси: хизмат вазифаларини бажариш чоғида олинган жароҳатлар ва “маиший жароҳат” сифатида қайд этилган ҳолатлар нисбати ўрганилади.

– Хизматга яроқсизлик: ҳарбий хизмат давомида орттирилган касаллик туфайли хизматдан бўшатирилганлар (комиссация) статистикаси. Агар муддатли ҳарбий хизматга чақирилганига 1-2 ой бўлган аскар “яроқсиз” деб топилса, бу чақирув пунктларидаги (ХТК) коррупция ёки масъулиятсизликдан далолат беради.

– Ўлим ҳолатлари: ҳарбий госпиталларда вафот этган ҳарбий хизматчилар, ўлим сабаблари ва ташхиснинг патологоанатомик хулосага мослиги.

В) Ҳарбий қисм ва муассасалардан олинган маълумотлар:

– Дастурлар ижросига доир маълумотлар: “йўл хариталари”, тиббий ускуналар хариди ва таъмирлаш бўйича чора-тадбирлар режаларининг ижроси.

– Муқаддам ўтказилган текширувлар ҳақида маълумот: ички назорат органлари (тиббий хизмат бошлиқлари) томонидан ўтказилган текширув далолатномалари. Прокурор ушбу далолатномалардаги “камчилик аниқланмади” деган хулосани реал вазият билан солиштиради.

2. Молиявий ва моддий таъминот мониторинги. Прокурор назоратининг иқтисодий асосини таъминлаш мақсадида Давлат молиявий назорати органларидан олинган маълумотлар таҳлил қилинади. Бунда асосий эътибор қуйидагиларга қаратилади:

– тиббиёт учун ажратилган бюджет маблағларининг ўзлаштирилиши (дебитор ва кредитор қарздорликлар);

– дори воситаларини марказлашган тартибда харид қилишда тендер савдоларининг шаффофлиги;

– тиббий ускуналарнинг (рентген, УТТ) нархларини бозор нархлари билан солиштириш.

Бундан ташқари, текширишларнинг сифатли, тўлақонли ва ҳар томонлама ўтказилишини таъминлаш, мавжуд тизимли муаммоларга аниқлик киритиш мақсадида бир қатор давлат органлари ва муассасаларидан соҳага оид статистик ҳисоботлар ҳамда маълумотларни талаб қилиб олиб, атрофлича таҳлил қилиш лозим бўлади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббиёт муассасаларидан:

– тан-жароҳати олиб шифохонага мурожаат қилган ҳарбий хизматчилар тўғрисида маълумотлар;

– соғлиғи бўйича мурожаат қилиб, амбулатор ва стационар тартибда даволанган ҳарбий хизматчилар тўғрисида маълумотлар;

– ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий хизматни ўташ, яшаш жойларида ҳарбий-тиббий муассасалар ёки уларда тегишли бўлимларига оид маълумотлар.

Ҳарбий госпиталлардан:

– тан-жароҳати олиб ҳарбий госпиталларга мурожаат қилган ҳарбий хизматчилар тўғрисида маълумотлар;

– соғлиғи бўйича мурожаат қилиб, амбулатор ва стационар тартибда даволанган ҳарбий хизматчилар тўғрисидаги маълумотлар;

– ҳарбий хизматни ўташ давомида касаллик ортириб, соғлиғи бўйича ҳарбий хизматга яроқсиз деб топилган ҳарбий хизматчиларга оид маълумотлар;

– хизмат вазифаларини бажариш чоғида тан-жароҳати олган ёки ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар тўғрисидаги маълумотлар.

Ҳарбий қисм ва муассасалардан:

– хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида тан жароҳати олган ёки ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар тўғрисидаги маълумотлар;

– муқаддам ўтказилган режали ва режадан ташқари текширишлар ҳақида маълумотлар;

– муайян йўналишлар бўйича ишлаб чиқилган дастурлар, чора-тадбирлар режалари, “Йўл хариталари” ижросига оид маълумотлар;

– шунингдек, текшириш заруратига қараб бошқа маълумотлар.

Прокурор текширув давомида аниқлаган ҳар бир ҳолатга ҳуқуқий баҳо бериши учун уларни “намуна” билан солиштириши лозим. Ҳарбий тиббиёт соҳасида намуна вазифасини стандартлар ва техник регламентлар бажаради.

Прокурор назоратида қўлланиладиган стандартлар тизимини қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Тиббий хизмат кўрсатишнинг клиник стандартлари. Бу – даволаш жараёнининг қонунийлигини белгиловчи асосий мезондир.

Ташхис ва даволаш стандартлари: Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган “Клиник протоколлар”. Прокурор касаллик тарихини ўрганишда қуйидаги саволларга жавоб излайди: Беморга қўйилган ташхис тасдиқланган протокол асосида қўйилганми? Белгиланган дори воситалари тўлиқ ҳажмда берилганми ёки асосиз равишда алмаштирилганми?

ЎТК стандартлари: Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4076-сонли Қарори билан тасдиқланган “касалликлар жадвали”. Бу ҳужжат ҳарбий экспертизанинг математик аниқликдаги мезонидир. Прокурор аскарнинг жисмоний кўрсаткичлари (бўйи, вазни, кўриш қобилияти) ушбу жадвалдаги қайси моддага (А – яроқли, Б – чекланган, В – яроқсиз) мос келишини текширади. Стандартдан оғиш – жиноят аломатидир.

2. Санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари (СанПиН). Прокурор назоратининг профилактик йўналиши бевосита ушбу техник регламентлар ижросига қаратилади. Амалиётда қуйидаги махсус СанПиНлар қўлланилади:

– СанПиН 0292-11 (“Даволаш-профилактика муассасаларини лойиҳалаштириш, қуриш ва эксплуатация қилиш...”): Ҳарбий госпиталларда ҳар бир бемор учун палатада ажратилган майдон (қв.м), вентиляция тизими қуввати, ёритилиш даражаси ва сув таъминоти талаблари. Прокурор агар палатада белгилангандан ортиқ қаравот қўйилганини аниқласа, буни стандарт бузилиши деб қайд этади.

– СанПиН 0342-17 (“Шифохона ичи инфекциялари профилактикаси”): Операция блоклари, боғлов хоналари ва реанимация бўлимларида стериллик режимини таъминлаш. Бир марталик тиббий анжомларни қайта ишлатиш ёки дезинфекция воситаларининг концентрацияси нотўғрилиги – оғир оқибатларга олиб келувчи қонун бузилишидир.

– СанПиН 0317-15 (“Тиббиёт чиқиндиларини йиғиш, сақлаш ва утилизация қилиш”): Ишлатилган шприцлар, қонли пахталар ва инсон аъзолари қолдиқларини йўқ қилиш тартиби.

3. Фармацевтик фаолият стандартлари. Дори воситаларининг айланмаси қатъий регламентланади:

Сақлаш шароити: термолабил (иссиққа таъсирчан) дориларнинг музлатгичда сақланиши, “совуқ занжири” (cold chain) тизимига риоя этилиши.

Наркотик моддалар: махсус сақлаш хоналарининг техник мустаҳкамлиги (панжаралар, сигнализация) ва ҳисобга олиш журналларининг юритилиши Ички ишлар вазирлиги ва ССВнинг қўшма буйруқлари талабларига жавоб бериши шарт.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.11.2023 й., 03/23/880/0905-сон;
3. Ўзбекистон Республикасининг “Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 18.05.2022 й., 03/22/770/0424-сон;
4. Ўзбекистон Республикасининг “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 02.12.2024 й., 03/24/1008/0988-сон;
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 23 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида қонунийликни таъминлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-272-сонли Фармони;
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги ПҚ-4076-сонли Қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 30.12.2024 й., 06/24/230/1096-сон;
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 октябрдаги “Ҳарбий тиббиёт соҳасида кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4870-сонли Қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.10.2020 й., 07/20/4870/1406-сон;
8. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2021 йил 25 майдаги 229-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Ижтимоий соҳада қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси тўғрисида”ги Низом.
9. Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг 2019 йил 20 декабрдаги 1236-сонли буйруғи (Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 31 январда 3216 рақами билан рўйхатдан ўтказилган) билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари авиациясининг учувчилар таркибини тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 02.10.2025 й., 10/25/3683/0891-сон;
10. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 28.01.2013 йилдаги “Қон ишлатиш билан боғлиқ бўлган кўп маротаба қўлланилиши

тақиқланган тиббий буюм ва асбоблар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 16-сон буйруғи. – Тошкент: 2013;

11. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирининг 2015 йил 5 август кундаги “Тинчлик даврида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги кўшинларида тиббий таъминотни ташкиллаштириш тўғрисидаги Қўлланмани тасдиқлаш ҳақида”ги 609-сонли буйруғи – Тошкент: 2015.